Куч — адолатда

2013 йил
4 октябр,
жума
№ 40 (449)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизнинг тобора ривожланиб боришида жамиятдаги барқарорлик, инсон манфаатларининг изчил таъминланиб бораётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнига назар ташласак, бу ислоҳотларнинг барчаси шу муқаддас Ватанда азиз саналган инсон учун эканлиги яққол намоён бўлади. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилаётгани билан аҳамиятлидир.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ КАФОЛАТИ

уни таъминлашда тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар ҳам муҳим ўрин тутади

Хусусан, **"Обод турмуш йили"** Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг июль ва август ойларида пойтахтимизнинг барча туманларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олим ва юқори малакали шифокорлари иштирокида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилди. Ушбу йирик тадбир давомида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш баробарида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларда соғлом оила қуришга интилишни янада кучайтириш, турли хасталикларнинг олдини олиш борасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Munosabat

Ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти

бунда дастурий таъминот воситаларининг аҳамияти беқиёс

Аввало шуни айтиш керакки, "Ахборот асри" деб аталаётган бугунги даврда замонавий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларини ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари тизимларини жадал суръатлар билан ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада, айниқса, экспорт қилинадиган маҳсулотлар таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам давлат ва жамият қурилиши тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ғояси илгари сурилган эди.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда маҳаллий дастурий маҳсулотлар индустриясини ҳар томонлама ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бинобарин, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида мазкур соҳанинг илғор ютуқларини барча тармоқ ва жабҳаларга кенг жорий этиш мамлакатимизнинг келгуси равнақида муҳим ўрин тутади.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишни таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани бу жараёнда ўта муҳим аҳамият касб этди.

Bag`rikenglik tamoyillari

Ярашув институти — инсонпарварликнинг юксак намунаси

Эътироф этиш жоизки, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ярашув институтининг амалга жорий этилиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Бунда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят оқибатида етказилган зарарни қопласа ва қилмишининг оқибатини чуқур англаб, жабрланувчидан кечирим сўраб у билан ярашса, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилади.

(Давоми учинчи бетда)

Фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига оид меъёрлар жамланган миллий қонунчилигимизда мулк ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Ҳар биримиз бу ҳуқуқлардан фойдаланиш билан бирга ўзгаларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш бурчимиз ҳисобланади.

Qonun barchaga barobar

Турар жой ҳуқуқи дахлсиз

Лекин ҳаётда фақат ўз манфаатини ўйлаб, бошқаларнинг ҳуқуқларига дахл қиладиган кимсалар ҳам учраб туради. Бу айниқса, яқин қариндошлар ўртасида содир бўлиши янада афсусланарли. Чунки мол-дунё ёки уй-жой ортидан келиб чиққан низо туфайли туғишган жигарларнинг ўртасидаги қариндошлик ришталарига путур етиши халқимиз табиатига, маънавиятига асло тўғри келмайди.

(Давоми учинчи бетда)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямизда белгилаб берилган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ҳамда уларни оғишмай ҳаётга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Анвар УСМОНОВ билан суҳбати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган меъёрларнинг амалдаги ифодаси, шу асосда яратилган ва яратилаётган қонун ҳужжатларининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида бўлди.

— Аввало, таъкидлаш жоизки, дунё харитасида Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, яъни мамлакатимиз давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ўз-ўзидан бўлмаган. Бу улкан тарихий воқеанинг замирида халқимизнинг асрий орзу-умидлари, хоҳиш-иродаси, Президентимиз Ислом Каримовнинг мислсиз жасорати, ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарорлар муҳим омил бўлганини бугун халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этган ҳақиқатдир, — дейди А.Усмонов. — Эришилган бу тарихий ғалабани, яъни мустақилликни сақлаб қолиш ва изчиллик билан мустаҳкамлаш, миллий давлатчилигимизни янгидан шакллантириш янада мураккаброқ кечгани сир эмас. Боиси собиқ тузумдан бизга таназзулга юз тутган иқтисодиёт мерос қолган, аксарият одамларнинг эртанги кунга ишончи йўқолган эди.

(Давоми иккинчи бетда)

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар жараёнида соҳага оид қонунлар ҳам такомиллаштирилди. Уларда нафақат фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси мужассамлашган, балки тизимнинг бошқа жиҳатлари ҳам тартибга солинган. Жумладан, суд ишларини кўриб чиқишда суд харажатлари ва давлат божи ундириш тартиблари ҳам белгиланган.

Fuqarolik qonunchiligi

Суд харажатлари

уни ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 104-моддаси ҳамда Солиқ кодексининг 328-моддаси талабларига кўра, судларга даъво аризалари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганлик, шунингдек, судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Апелляция инстанцияси

фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг ишончли кафолати

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда апелляция институтининг амалга жорий этилиши муҳим ўрин тутмоқда.

Айтиш керакки, апелляция инстанцияси фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг қонуний кучга кирмаган қарорлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва ҳукмлари устидан шикоят ва протест берилиши муносабати билан уларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширувчи ҳамда қайта кўриб чиқувчи суд босқичидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Суд харажатлари

уни ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо даъво қилинаётган мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ бўлмаса, унинг баҳосини судья белгилайди.

Даъво тақдим этилган вақтда унинг баҳосини белгилаш қийин бўлса, давлат божининг миқдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш вақтида суд белгилаган даъво баҳосига мувофиқ, божнинг кам қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

Суд томонидан илгари кўрмасдан қолдирилган, такроран берилган ариза бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади. Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 1-бандига асосан ариза кўрмасдан қолдирилган ҳоллар бундан мустасно.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, қонунда даъвогар ўзининг талабларини камайтирган, арз қилган талабларидан воз кечган, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда тўланган бож қайтарилмаслиги, агар арз қилинган талаблар кўпайтирилганда етишмаган сумма даъвонинг кўпайтирилган баҳосига мувофиқ равишда қўшимча тарзда тўланиши белгиланган.

Фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ суд харажатларини қисман қоплаш даъво ишлари бўйича тарафларга, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича аризачиларга юкланилади. Бу ҳолат бир томондан, давлат томонидан қилинадиган суд харажатларини қисман қопласа, иккинчи томондан, судга асоссиз даъво қилиш ҳақида огоҳлантиради ҳамда қарздорларни кредиторлар олдидаги қарз мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришга ундайди. Чунки судга асоссиз даъво қўзғатилганда, суд харажатлари даъвогардан, ўз мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажармаганлиги учун кредиторнинг даъвоси қаноатлантирилганда суд харажати қарздор, яъни иш бўйича жавобгардан ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилиш асосан Солиқ кодексининг 329-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Фуқаролик процессуал кодексининг 110-моддаси 2-қисмида судья фуқаронинг мулкий аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилиш ҳуқуқи ҳам белгиланган. Бундан ташқари ушбу кодекснинг 111-моддасига мувофиқ, суд тарафларнинг мулкий аҳволига қараб, улардан бирини ёки иккаласини ҳам давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек, бу харажатларнинг миқдорини камайтириш ваколатига эга.

Судлар Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги **"Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида"**ги қарорига мувофиқ жисмоний шахсни суд харажатларини, жумладан, давлат божини давлат фойдасига тўлашдан озод қилиш, шунингдек, ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган харажатларни бўлиб-бўлиб тўлаш ва миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслигини тасдиқловчи асослар (масалан, иш ҳақи (даромади), маблағи мавжудлиги, унинг эгалигида бўлган мулк сони ва қиймати, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари борлиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар) мавжудлигини текшириши лозим.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даъвогар Х.Остонов жавобгар С.Самадовга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суд томонидан ариза қабул қилиниб, даъвогарга талаб қилинган даъвонинг баҳоси юзасидан тегишли тартибда давлат божи тўлаши учун ўн кунлик муҳлат берилган. Даъвогар Х.Остонов ўзи яшаб турган жойдаги маҳалла фуқаролар йиғинидан оилавий шароити ҳақидаги маълумотномани судга тақдим этиб, давлат божи тўловидан озод қилишни сўраган. Бироқ суд томонидан даъвогарнинг моддий аҳволи текширилганда унинг сўнгги русумдаги замонавий автомашинаси ҳамда мулкдор сифатида бир нечта кўчмас мулклари борлиги аниқланди. Шу боис у давлат божи тўловидан озод этилмасдан, даъво аризаси унга қайтарилган. Шунингдек, нотўғри маълумот берган тегишли маҳалла фуқаролар йиғини раисига нисбатан суд томонидан хусусий ажрим чиқарилган. Даъвогар Х.Остоновнинг суднинг ажримидан норози бўлиб келтирган шикояти эса, юқори инстанция суди томонидан кўрилиб, биринчи инстанция судининг ҳаракатлари қонунийлиги боис шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Фуқаро томонидан қилинган суд харажатлари даъво талаби қаноатлантирилган ҳолатларда жавобгар томонидан тўлиқ қопланиши Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатлар ундириб берилиши, агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса, даъвогардан у арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилиши белгилаб қўйилган.

Мухтасар қилиб айтганда, суд харажатларининг қонуний асосларда ундирилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Маъруфжон ТОЖИБОЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ана шундай мураккаб шароитда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган омилларга йўл очувчи қонуний асослар яратилиши жуда муҳим ва долзарб эди. Президентимиз раҳбарлигида турли соҳа олим ва мутахассисларининг сайъ-ҳаракати, изланишлари, хорижий тажрибани чуқур таҳлил этиш асносида ҳар томонлама пухта, ихчам, халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган Конституциямиз яратилди.

Мазкур Асосий қонун улкан тарихий аҳамиятга эга ноёб ҳужжат бўлиб, унда суверен давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим асослари, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлашга оид тамойиллар мустаҳкам ўрин олган. Энг муҳими, унинг қоидалари мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар сари кенг йўл очди.

Конституциямизнинг бундай ҳаётбахшлигида унинг нормаларида халқимизнинг кўп асрлик анъана ва қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий меросига таянилгани мужассамдир. Зеро, бақувват ва теран илдизларга эга дарахтни ҳар қандай шамол, халқни эса ҳеч бир куч маҳф эта олмагани каби бундай Қомуснинг ҳам умри боқийдир. Қолаверса, Асосий қонунимиз кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этгани унинг ҳар жиҳатдан пухталигини ошириш имконини берди.

Шу боис ўтган давр мобайнида мамлакатимиз Конституцияси халқимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир, умумэътироф этилган демократик қадриятларга тўла жавоб берадиган, жамиятда адолатни қарор топтиришга хизмат қиладиган асосий ҳужжат эканини тўла исботлади.

— Бош Қомусимиз асосида қабул қилинган қонунлар моҳияти, қонун ижодкорлиги жараёнида коституциявий тамойиллардан фойдаланиш амалиёти хусусида гапириб бересангиз.

— Мамлакатимиз Конституциясида мустақил давлатимизнинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало, қонунчилик тизимини шакллантиришнинг миллий-ҳуқуқий меъёрлари белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам, суверен давлатимизнинг қонунчилиги — ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти томонидан Конституция нормаларига мувофиқ 15 кодекс, олти юздан зиёд қонун қабул қилинди. Икки юздан ортиқ кўп томонлама халқаро шартнома ратификация қилинди ва шу тариқа Асосий қонунимизни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизми яратилди.

Бу жараёнда мамлакатимизда қонун ижодкорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва самарадорлигига пухта замин бўлаётир. Зеро, қонунлар қанчалик мукаммал, аниқ ва лўнда бўлса, уларни ҳаётга татбиқ этиш шунчалик осон кечади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёни ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, зарур ҳуқуқий база шакллантирилган. "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги, "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги каби қонунлар ишлаб чиқилаётган ҳар бир қонуннинг мамлакатимиз ривожига хизмат қилишини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Айни пайтда бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Бунда 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ана шундай янгича тартиб-таомиллар асосида яратилаётган қонун лойиҳалари ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик ва бошқа турдаги экспертизалардан тўлиқ ўтказилмоқда. Жумладан, ҳуқуқий экспертиза жараёнида тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг Конституциямиз нормаларига мувофиқлиги текширилади. Зеро, Асосий қонунимизда бирорта ҳам қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Шу маънода номи қайд этилган қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини янада ошириш билан бирга ижросини самарали таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, вазирлигимиз томонидан кейинги уч йилда жамият ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган мингга яқин қонун ва қонун ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Бу жараёнда аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилишига эришилди.

— Адлия ходимлари иштирокида тайёрланаётган ва экспертизадан ўтказилаётган қонун лойиҳалари кўпроқ қайси соҳаларга тааллуқли?

— Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган тамойиллардан бири — хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлигидир. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 53-моддасида қайд этилганидек, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Ушбу конституциявий норма асосида аввал ҳам кўплаб қонунлар ишлаб чиқилган бўлса, кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик жадал ривожлангани ва фаолияти кўлами кенгайиб бораётгани туфайли ушбу соҳага бўлган эътибор янада кучайди. Ўз навбатида соҳанинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилмоқда. 2012 йилда "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ва "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжатларининг тайёрланиши ва такомиллаштирилиши, қабул қилинишида адлия ходимлари бевосита иштирок этди. Бошқача айтганда, адлия идоралари томонидан 2010-2013 йиллар давомида демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган олтмишдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, жумладан, ўттизга яқин қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ушбу концепцияда тадбиркорлик фаолияти ҳимояси, хусусий мулк муҳофазасига оид янги қонунлар қабул қилишга оид кўплаб вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг 11-моддасида биринчи марта тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи белгиланди. Ушбу нормага мувофиқ, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатларда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

Мазкур қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, бозор муносабатлари тизимида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатини янада мустаҳкамлаш имконини беради. Айни пайтда чет эл инвестицияларини жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига доир рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш орқали асоссиз харажатларнинг олдини олиш, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувини қатъий чеклашга доир ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик ва меҳнат эркинлиги муҳофазасига оид конституциявий меъёрлар амалда ўзининг тўла ифодасини топаётганидан яна бир далолатдир.

— Адлия идоралари нафақат қонун ижодкорлиги жараёнида бевосита иштирок этади, балки уларнинг ижроси учун ҳам масъул. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоясига оид қонунлар ижроси қандай таъминланмоқда?

— Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорликни ҳуқуқий таъминлаш ва ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, кенг жамоатчиликка унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш доимий эътиборда.

Соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан алоҳида назорат ўрнатилган. Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятида текширишлар ўтказилишининг қонунийлиги мунтазам ўрганиб борилмоқда. Адлия органларининг жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказган ўрганишларида назорат қилувчи органлар томонидан қирқдан зиёд тадбиркор фаолиятида ноқонуний текшириш ўтказилгани ва мингдан ортиқ ҳолатда текширишларни ўтказиш тартиби бузилгани аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан киритилган тақдимнома ва расмийлаштирилган маъмурий баённомаларга асосан 13 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий, икки нафарига маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди. Прокуратура идораларига юборилган таклифларга асосан бир неча мансабдор шахс жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан адлия органлари томонидан тегишли идораларга киритилган тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмаларга биноан минг нафарга яқин мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, 29 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Тадбиркорлар манфаатларини таъминлашни назарда тутиб судларга киритилган даъво аризаларининг беш юздан ортиғи судлар томонидан қаноатлантирилиб, тадбиркорларга етказилган тўрт миллиард сўмлик зарар ундирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тўрт юздан ортиқ ноқонуний қарор ва бошқа ҳужжатлари аниқланди ва бекор қилиниши таъминланди.

— Тадбиркорлик муҳофазасига оид яна қандай янги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда?

— Таъкидлаш керакки, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш соҳасини тартибга солишда бир неча қонун ҳужжатларига таянилади. Мазкур ҳолат юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи шахслар, рўйхатга олинадиган субъектлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини ўзлаштиришда айрим муаммоларни келтириб чиқариши табиий. Шуни ҳисобга олиб, Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор идоралар ҳамкорлигида "Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун асосида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бирхиллаштирилиши учраётган муаммоларни бартараф этади.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги каби қонун лойиҳалари ҳам тайёрланган. Бу қонунларнинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни янада кучайтиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Конституцияси ва шу асосда қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎзА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

Islohot va samara

Апелляция

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича судларда апелляция шикоятини бериш (протест келтириш) тартиби, муддати ва унинг вазифаси хусусида тўхталадиган бўлсак, Фуқаролик процессуал кодексининг 320-моддасида суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериши, прокурор протест келтириши қайд этилган. Қонунда белгилаб қўйилган бу муддат ўзгармайди. Борди-ю бу муддат ўтказиб юборилган тақдирда, суд томонидан бу ҳолат узрли деб топилса, қайта тикланиши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахслар шикоят бериш ҳуқуқидан эркин фойдаланиши, жумладан, берган шикоятларидан воз кечиши ҳам мумкин.

Энг муҳими, мазкур институтнинг амалга жорий этилгани фуқароларнинг судларга бўлган ишончи янада ортишига, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга ва қуйи инстанция судлари томонидан йўл қўйиладиган айрим хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, даъвогар М.Мамадалиева судга жавобгар Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига нисбатан ишга тиклаш, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан М.Мамадалиеванинг даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган. Шундан сўнг М.Мамадалиева биринчи босқич судининг мазкур ҳал қилув қарори устидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция шикояти билан мурожаат қилди. Ўз навбатида, ушбу апелляция шикоятига нисбатан жавобгар Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан эътирознома келтирилиб, унда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш сўралган.

Маълумки, Фуқаролик процессуал кодексининг 332-моддасига кўра, суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Аниқланишича, даъвогар М.Мамадалиева 2006 йил 1 июнь куни Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига катта ўқитувчи вазифасига ишга қабул қилинган ва у билан институт ўртасида меҳнат шартномаси имзоланган. Институт ректорининг буйруғи билан 2007 йил 2 апрель куни М.Мамадалиева танловдан ўтганлиги муносабати билан 2012 йилда қайта танловдан ўтиш шарти билан қайта лавозимига сайланган. Бироқ 2012 йил 2 апрель куни институт раҳбариятининг буйруғи асосида М.Мамадалиева билан тузилган меҳнат шартномаси шартнома муддати тугаганлиги муносабати билан бекор қилинган.

Шундан сўнг М.Мамадалиева ушбу буйруқдан норози бўлиб, судга даъво аризаси билан мурожаат этган.

Munosabat

Ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти

бунда дастурий таъминот воситаларининг аҳамияти беқиёс

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зеро, ахборот технологиялари бозорининг муҳим таркибий қисми бўлган дастурий маҳсулотлар индустрияси миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини оширишда, рақобатда устуворликка эришишда, валюта тушумларининг кўпайишида, импорт ўрнини босувчи миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Шу ўринда дунё тажрибасига назар ташласак, дастурий таъминот соҳаси ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришган Ҳиндистон, Ирландия, Хитой ва бошқа кўплаб давлатларда софтвер индустрияси миллий иқтисодиётнинг инновацион таркибий қисмига айланганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ҳам софтвер индустриясининг ҳар томонлама сифатли ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан ахборотлаштириш соҳасини тартибга солувчи мукаммал ҳуқуқий база яратилди. **"Алоқа тўғрисида"**ги, **"Телекоммуникациялар тўғрисида"**ги, **"Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"**ги, **"Ахборотлаштириш тўғрисида"**ги, **"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"**ги ва бошқа қатор қонунлар, қонун ости ҳужжатлари шулар жумласидандир. Умуман айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини, хусусан, дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришнинг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базаси яратилди ва у тобора ривожлантириб борилмоқда. Соҳага оид 11 та қонун, 40 дан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва стандартлар қабул қилинди.

Дарҳақиқат, ахборот-коммуникация технологияларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган маҳаллий дастур ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида турибди. Жумладан, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда дастурий таъминотни ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган комплекс чоратадбирлар белгилаб келинмоқда. Ахборот ва компьютер технологиялари соҳасига ўқитиш ҳамда дастурий воситаларни реализация қилиш хизматларини кўрсатувчилар учун қўшимча қиймат солиғидан озод этиш бўйича нормалар бир неча йиллар давомида амал қилиб келмоқда. Охирги беш йил мобайнида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга ихтисослашган корхоналар, бошқа микрофирма ва кичик корхоналарга нисбатан ягона солиқ тўловини тўлашда имтиёзлар берилгани уларнинг иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда матбуотда эълон қилинган "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Ушбу қарорда амалдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда янада кенгроқ тарқалишига кўмаклашиш мақсадида қатор қулайлик ва устувор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан, дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзларининг берилиши ва шу муносабат билан бўшайдиган маблағларнинг Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларнинг ходимларини рағбатлантириш, моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилиши соҳа ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Қарорда мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш ва истиқболли лойиҳалар ва инновацион компьютер технологияларини яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу, ўз навбатида, ёш авлод вакилларининг интеллектуал салоҳияти юзага чиқиши ҳамда соҳада етук малакали кадрлар захираси шаклланишига хизмат қилади.

Кези келганда шуни эътироф этиш жоизки, ушбу қарор, энг аввало, "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш дастурларини амалга оширишнинг комплекс таъминоти масаласи ҳамда ахборот тизимларининг идора ва идораларо комплексларини интеграциялаш Миллий ахборот тизимини яратишда алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириб бориш, хусусан, дастурий таъминот ишланмаларини яратиш ва уларни етказиб бериш соҳасида давлат буюртмалари тизимидан унумли фойдаланиш, дастурий таъминот индустриясига келаётган инвестиция оқимини ҳуқуқий жиҳатдан рағбатлантириш, дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бу борадаги долзарб чоралар сирасига киради.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда маҳаллий дастурчилар томонидан яратилаётган маҳсулотлар спектри йил сайин кенгайиб бормоқда. Таниқли ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг маҳсулотларини дистрибуция ва жорий қилиш билан бир қаторда, хорижий аналоглар билан бемалол рақобат қила оладиган маҳаллий дастурий маҳсулотлар ҳам яратилмоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада такомиллаштириш, бугунги ва эртанги кун талаблари даражасига олиб чиқиш учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар, хусусан, "дастурий таъминотчи" мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтирилиши юртимиз тараққиётига хизмат қилади.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Bag`rikenglik tamoyillari

Ярашув институти – инсонпарварликнинг юксак намунаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик ва меҳр-оқибат каби эзгу амалларнинг қонунчилик ва ҳаётдаги амалий ифодасидир десак, муболаға бўлмайди.

Ярашувга оид қонун меъёрларини қўллашда Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори судлар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаётир.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судлари томонидан ярашув институти жорий этилганидан буён ўн минг нафарга яқин шахс жиноий жазодан озод этилди. Айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши уларнинг судланмай қолишига, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланиб, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинишига имкон яратди.

Ярашув институти фақатгина айбдорларнинг эмас, балки жабрланувчиларнинг ҳам қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кенг имкон яратиб, уларга етказилган зарарлар айбдорлар томонидан тўлиқ қопланишига эришилмоқда.

Масалан, Н.Камолов 2013 йил 14 март кун келинойиси Д.Арзилиқова билан ўзаро жанжаллашиб қолган ва жаҳл устига унга ўртача оғир тан жароҳати етказган. Шундан сўнг Н.Камолов қилмишидан пушаймон бўлиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплагани ва жабрланувчи билан ярашгани сабабли жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг ажрими билан жавобгарликдан озод қилинди, иш ярашилганлиги муносабати билан тугатилди.

Шунингдек, И.Маматўраев 2013 йил 26 апрель куни турмуш ўртоғи З.Маматўраева билан жанжаллашиб қолган. У жаҳл устида ошхона пичоғи билан хотинига енгил тан жароҳати етказган. Кейинчалик И.Маматўраев бу қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, жабрланувчи билан ярашгани сабабли жавобгарликдан озод қилиниб, иш ярашганлиги муносабати билан тугатилди.

Дарҳақиқат, ярашув институти жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг кўпроқ қўлланилишига, шахснинг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш билан бирга оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга замин яратмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик каби юксак қадриятлар истиқлол шарофати билан қонунларимизда ўз ифодасини топгани жамиятда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаб, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Раҳматилла РАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг раиси

Qonun barchaga barobar

Турар жой ҳуқуқи дахлсиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Қизириқ тумани ҳокимининг 2000 йил 15 мартдаги қарорига кўра, туман марказида жойлашган "Шеробод" кўчаси 8-уйнинг 2-хонадони Зулфия Жамолованинг номига расмийлаштирилиб, унга нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланган. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Мулкни қонуний тасарруф этиш, ундан фойдаланиш эндиликда З.Жамолованинг ихтиёрида.

Кейинчалик Зулфия ўз розилиги билан опаси Хурсандой Неъматованинг оилавий шароитини ҳисобга олиб, уни шу уйга рўйхатга қўйдиради ва вақтинчалик яшаб туриш учун унга рухсат беради.

Ҳамма оворагарчиликлар опаси унинг рухсатисиз, ушбу хонадонга қариндошлари Сафархол Норимова ҳамда унинг турмуш ўртоғи Жамшид Хуррамовни кўчиртириб келишдан бошланади. Табиийки, опасининг бундай ўзбошимчалик билан иш тутганлигидан Зулфия норози бўлади. Опа эса, ҳар гал турли баҳоналарни рўкач қилиб, қариндошларни уйдан чиқаришни истамай, доимо бу ишни пайсалга солиб келади. Шундан сўнг опасингил ва яқин қариндошлар ўртасида кунаро бўлаётган можароларнинг охири кўринмай қолди. Устига-устак уй-жойга ноқонуний тарзда кириб олган қариндошлар ҳам уйни бўшатиб беришдан бош тортиб келишди.



Опа-сингиллар ҳамда қариндошларни муросаю мадорага келтириш учун маҳалла оқсоқолларининг аралашуви ҳам иш бермади. Охири мазкур уй-жой низоси судга келиб тақалди.

Суд тарафларнинг тушунтиришини тинглаб, ишда тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, Зулфия Жамолованинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топди. Чунончи, суд амалдаги қонун талабидан келиб чиққан ҳолда даъвогарнинг розилиги билан хонадонга рўйхатга қўйилган фуқаро Х.Неъматовани мулкдор билан тенг равишда уй-жойдан фойдаланишга ҳақли эканлигини эътироф этиб, бу ерга ўзбошимчалик билан кириб олган Хуррамовлар оиласини Қизириқ тумани, "Шеробод" кўчасидаги 8-уйнинг 2-хонадонидан мажбурий тартибда чиқариш хусусида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларига дахл қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Юқоридаги каби уй эгасининг розилигисиз унинг хонадонига ўзбошимчалик билан кириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, қонунларга риоя этиб яшаш ҳаётимиз мезонига айланса, қонун устуворлиги қарор топади, жамият барқарорлиги таъминланади.

Нурали ПАНЖАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳаёт мазмуни – ҳалолликда

Аввало шуни айтиш жоизки, мустақил юртимизнинг амалдаги қонунларида жамиятимиз ҳаёти учун мутлақо ёт саналган қилмишлар қатори фирибгарлик билан боғлиқ номуносиб хатти-ҳаракатлар учун ҳам адолатли ва муқаррар жазо чоралари белгиланган. Хусусан, Конституциямизга мувофиқ мулк ва унинг барча шакллари дахлсиздир ва унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан таъқиб этилади. Фирибгарлик — мулкка тажовузнинг жиддий ва оғир турларидан бири саналади.

Суд очерки

Фирибгарлик жинояти ва унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари Жиноят кодексининг 168-моддасида батафсил баён этилган. Унда ушбу қилмиш учун қўлланилиши лозим бўлган муқаррар таъсир чораси билан бирга адолат ва бағрикенглик намуналари — етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлламаслик тамойили ҳам ўз ифодасини топган.

Шуни қайд этиш зарурки, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талонтарож қилиш (Жиноят кодексининг 167-моддаси) ҳамда хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (кодекснинг 186-моддаси) каби ноқонуний хатти-ҳаракатларда ҳам фирибгарлик аломатлари бор. Қонунда бу каби қилмишлар учун қатъий ва муқаррар жазо чоралари белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 июлдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида (Олий Суд Пленумининг 2013 йил 31 майдаги қарорига асосан ушбу қарорга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) бу борада судларга тегишли раҳбарий кўрсатмалар берилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

инстанцияси

фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг ишончли кафолати

Маълумки, профессор-ўқитувчиларни вакант лавозимларга ишга қабул қилиш ва уларни эгаллаб турган лавозимларидан озод этиш олий таълим муассасалари учун жорий этилган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тасдиқланган "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида"ги Низом талабларига кўра, олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессори, доценти, катта ўқитувчиси, ўқитувчиси (ассистенти) лавозими беш йил муддатга танлов бўйича эгалланади. Олий таълим муассасаси сайлаш муддати мазкур ўқув йилида тугайдиган кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар ва ассистентлар лавозимларини эгаллаш ва бўш лавозимлар учун танлов эълон қилади. Бироқ институт раҳбарияти даъвогар М.Мамадалиеванинг эгаллаб турган лавозимига 2011 йил 30 ноябрда ва 2012 йил 11 апрелда танлов эълон қилган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу танловни юқорида қайд этилган Низом ҳамда Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректорининг 2007 йил 23 мартдаги буйруғи талабларига зид равишда эълон қилинган деб топди. Чунки М.Мамадалиеванинг эгаллаб турган лавозимига қайта танлов 2011 йилда эмас, балки 2012 йилда эълон қилиниши лозим эди. 2012 йил 11 апрелда эълон қилинган танлов эса, М.Мамадалиева билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг эълон қилинган. Натижада М.Мамадалиева мазкур танловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган.

Кўриниб турибдики, даъвогар М. Мамадалиева билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди қуйи босқич судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, М.Мамадалиеванинг даъво аризасини қаноатлантиришни лозим, деб топди. Шунингдек, даъвогарнинг маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво талабини қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 650.000 сўм миқдорида маънавий зарар, шу билан бирга, 72 355 сўм миқдоридаги давлат божи ундириш белгиланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, қонунларимиздаги одиллик, бағрикенглик тамойиллари ҳамда соҳада апелляция инстанциясининг жорий этилгани фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга имконият яратаётгани билан аҳамиятлидир.

Шерзод РАЖАБОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"Куч — адолатда" мухбири

2013-yil — «Obod turmush yili»

Халқимизнинг фаровон ҳаёти кафолати

уни таъминлашда тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар ҳам муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Агар жойларда мутахассислар томонидан доимий равишда ўтказиб келинаётган кенгайтирилган тиббий кўрикларни инобатга оладиган бўлсак, 2013 йилнинг олти ойи давомида жами 6 миллион 200 минг нафар туғиш ёшидаги аёллар ва 6 миллион 337 минг нафар болалар тиббий кўрикдан ўтказилди, аёлларнинг 40,8 фоизи ва болаларнинг 37,6 фоизи ўртасида соғломлаштириш ишлари олиб борилди.

Аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ун маҳсулотини фортификация қилиш даврида республика бўйича "Ўздонмаҳсулот" корхоналари томонидан минерал ва витаминлар билан бойитилган ун аҳолига етказиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан 138 минг нафардан ортиқ ҳомиладор аёлларга 579 минг қадоқдаги поливитамин комплекслари бепул тарқатилди.

Витамин А танқислигини профилактика қилиш мақсадида жорий йилда ўтказилган "Соғлом бола ҳафталиги"да республиканинг барча ҳудудларида 5 ёшгача бўлган болалар орасида витамин А саплементациясининг 20- ва 21-турларини ўтказиш учун ЮНИСЕФ томонидан 11 минг 286 флакон витамин А препарати мурувват йўли билан олиб келинди ва айни кунларда жойларга етказиб берилмоқда.



Болаликдан ногиронликнинг олдини олиш мақсадида республика скрининг марказларида наслий ва туғма касалликларга чалиниш хавфи кузатилган 116 минг ҳомиладор аёллар тиббий-генетик текширувдан ўтказилди.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам жуда катта ишлар амалга оширилди. Ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фойдаланишга топширилган академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Бу каби замонавий марказларнинг ташкил этилиши, мавжудларининг қайта реконструкция қилиниб, замонавий-асбоб ускуналар билан жиҳозланиши халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, ташхис ва даволаш борасидаги юксак технологияларни ўзлаштириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш имкониятини бермоқда.

Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида 143 та тиббиёт муассасаларида қурилиш-реконструкция ишларига 211,2 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Инвестиция дастурига асосан 13 та вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Республика педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ва бошқа даволаш муассасаларини замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш ва келтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Андижон ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтлари, Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ва унинг худудий бўлинмалари, "Саломатлик-3" лойиҳаси, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар томонидан қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 1624 нафар шифокор ва 2991 нафар ўрта тиббиёт ходимлари қисқа муддатли сайёр ўқув курсларида ўқитилди.

Юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган чора-тадбирлар айни пайтда жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Шу кунларда республика ва Тошкент шаҳридаги республика ихтисослаштирилган марказлари, олий ўқув юртлари клиникалари профессор-ўқитувчилари, етук мутахассислари иштирокида "Фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги" ўтказилиб, 403 нафар юқори малакали мутахассислар томонидан ҳудудларда 82 минг нафар туғиш ёшидаги аёллар, 59 минг нафар ўсмир ёшдаги қизлар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Шулар қаторида 5 минг нафар яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиб ўтиш жоиз.

Мухтасар қилиб айтганда, 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб номланиши бу аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар бир эзгу саъй-ҳаракат "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун", деган улуғвор мақсадга қаратилаётганлигидан далолат беради. Зеро, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор бўлади.

Дониёр МИРАЗИМОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳаёт мазмуни — ҳалолликда

Суд очерки

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Айтиш жоизки, фирибгарлик ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ҳақ тўламай эгаллашда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулк эгаси ёки бошқа шахс ёхуд ваколатли ҳокимият органи мулкни ёки унга тенг бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради. Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахсни янгилиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади. Фирибгарликда алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни айбдор мулкдорлиги ёки эгалигига ихтиёрий равишда берадиган ақлирасо шахсга нисбатан содир этилган бўлиши шарт. Айбдор томонидан била туриб, ақли норасо шахсни ёки воқелик моҳиятини англаш қобилиятига эга бўлмаган шахсни алдаш ва ундан мулкни олиш фирибгарлик тариқасида эмас, балки ўғирлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Агар айбдорда ўзганинг мулкини қўлга киритишга нисбатан қасд мулк олингандан кейин пайдо бўлган бўлса, ушбу қилмишга ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш сифатида қараш зарур.

Фирибгарлик йўли билан корхона, муассаса, ташкилотлар мулкини талон-тарож қилиш учун жиноий жавобгарлик фақат талон-тарож қилинган мулк суммаси қонунда белгиланган миқдордан ошган ҳолдагина келиб чиқади. Агар фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилинган корхона, муассаса, ташкилотлар мулки суммаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлади. Бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам, агар талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Фуқаролар мулкини фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик талон-тарож миқдоридан қатъий назар келиб чиқади. Айни пайтда талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчининг шахсига ва моддий зарар қопланишига оид маълумотларни инобатга олган ҳолда жиноят ишини тугатиш масаласини муҳокама қиладилар. Агар айбдор томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, уларнинг ҳар бирида ўзганинг мулкини олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-тарож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмайди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Хонқа тумани судида фирибгарликка оид иккита жиноят иши муҳокама қилиниб, тегишли ҳукм чиқарилди.

Масалан, туманнинг "Қирқ-ёп" қишлоғида яшовчи Мансур Тангрибердиевга оид жиноят ишини судда кўриш асносида Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми ва 186-моддаси 1-қисми бўйича унга қўйилган айб ўз тасдиғини топди, бунга судланувчининг ўзи ҳам иқрор бўлди.

Маълум бўлишича, тумандаги "Баҳорий Гуласал" хусусий фирмасида сотувчи бўлиб ишловчи бу кимса 7 нафар фуқарони алдаш, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш, қоп-қоп ваъдалар бериш ва шу тариқа ишончни қозониш йўли билан уларнинг жами 130 миллион сўмга яқин пулини ўзлаштирган. У бу қилмиши билан ҳам чекланмай яна жиноий қилмишга қўл уради. Аниқроқ айтганда, у муддати аллақачон ўтиб кетган 40 номдан ортиқ доридармонни беморлар ва уларнинг яқинларига алдаш, "чув" тушириш йўли билан пуллаб келган.

Туманнинг Навхос қишлоғида жойлашган "Тажриба" хўжалиги раҳбари Тўтихон Жалилова ва унинг ўғли Бобурбек Маткаримовни ҳам нафс қутқусида жиноий қилмишга қўл урадиган кимсалар тоифасига қўшиш мумкин. Гап шундаки, она ва ўғил "Тажриба" хўжалигига қарашли давлат мулкини кўз қорачиғидай асраш ўрнига уни талон-тарож қилиш, алдаш ва мўмай ваъдалар бериш орқали ўзгаларга пуллаш йўлини тутишди.

Улар "Тажриба" хўжалиги тасарруфида бўлган жами 3,6 гектар экин майдонини 33 нафар фуқарога иморат қуриш бериб юборишганини эшитган ҳар бир киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Давлатга қарашли ерни фирибгарлик йўли билан сотиш эвазига қўлга киритган маблағ 61,7 миллион сўмни ташкил этди. Биласиз, мамлакатимизда ер заҳиралари — давлат мулки ва уни тегишли ҳокимият органлари рухсати-қарорисиз ўзгаларга инъом қилиш қонунга мувофиқ тақиқланади. Бироқ "қаҳрамонларимиз" қонуннинг бу талабини хаёлларига ҳам келтиришмади. Бунинг устига улар ерни пуллашар экан, ҳадемай қарор чиқариб бериш тўғрисида қоп-қоп ваъдалар беришди.

Қинғирлик узоққа бормаслиги аниқ ва бу гал ҳам шундай бўлди.

Айтиш керакки, юқорида баён этилган, ҳар икки ҳолатда ҳам айбланувчиларнинг кўзи кеч, ниҳоятда кеч: бировларнинг она сутидай ҳалол мол-мулки фирибгарлик йўллар билан тортиб олингач, бир сўз билан айтганда, жиноий қилмиш содир этиб бўлинганидан сўнг очилди. Судланувчилар гарданидаги айбни инкор этишмади. Унга тўла иқрор бўлишди. Суд шунингдек, айбланувчилар қилмишига астойдил пушаймонлик билдиргани, улар томонидан фуқароларга ва давлатга етказилган зарар асосан қоплангани, қолган қисми ҳам қопланаётгани инобатга олинди. Судланувчиларга амнистия акти ҳам қўлланилди ва шу туфайли жамиятдан ажратилмаган ҳолда тарбияланадиган, гардандаги айбни ҳам шу аснода ювадиган бўлишди.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзи ва ўзлигини унутмаслиги керак. Ҳаётнинг тоти ва завқи ҳалоллик, поклик, фидойилик каби эзгу амалларда. Бу йўлдаги одамларнинг турмуши доимо тотли, мазмунли кечади.

Яшин БОЛТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Хонқа тумани судининг раиси
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Кишилик жамиятида илм-фан қанчалик ривожланмасин, эгизаклар ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳали-ҳамон мўъжизакор хусусиятлари билан ақлни лол қолдиради. Уларнинг нафақат она жисмида бир пайтда бино бўлиб, кетма-кет дунёга келиши, балки феъл-атворлари-ю, дунёқарашлари, ҳатто босиб ўтажак ҳаёт йўллари, ўз олдиларига қўядиган маслакларию орзу-ўйларига қадар бир томчи сувдек ғоят ўхшаш бўлиши кимни ҳайратлантирмайди, дейсиз?!

Биз билган ва билмаган дунё

ЖУФТЛАР ЖУМБОҒИ

Ҳисоб-китобларга кўра, дунёда ҳозирги кунда 100 миллион нафарга яқин эгизаклар бор. Ундан ҳам қизиғи, 87 та оддий туғруққа битта эгизак тавваллуд, 87 та эгиз туғилишга битта уч эгизак туғилиши, 87 та уч эгизакли туғруқдан кейин эса, икки жуфт эгиз болалар дунёга келар экан!

Аслида, эгизакларнинг кўп жиҳатдан бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қиламиз ва бу ўхшашликни турли омиллар билан изоҳлаймиз. Аммо баъзи эгизаклар орасида шу қадар ғаройиб бир хиллик борки, ҳайратланмай иложингиз йўқ. Мана, масалан, туғилиши билан бир-биридан ажратилган эгизак опа-сингиллар 26 йилдан сўнг бир-бирини излаб топади. АҚШнинг турли штатларида бир-бирини умуман кўрмай-билмай ўсган бу эгизакларнинг ҳар иккаласи бир касбни — сартарошликни танлаган, турмуш қуриб, ҳар иккаласи қиз кўрган ва ҳар бири қизига Кристина деб исм қўйган...

Ундан ҳам қизиқ ўхшашликлар бор. Юрижит ва Дороти деган эгиз опа-сингил ҳам чақалоқлигидаёқ тақдири азал ҳукми билан ажралиб кетганди. Аммо бир неча ўн йиллардан кейин опа-сингиллар бир-бирига дуч келади. Буни қарангки, ҳар иккаласининг бир нафар ўғли бор бўлиб, болалардан бирининг исми Ричард Эндрю бўлса, иккинчисиники Эндрю Ричард экан.

Яна бир ғаройиб ҳодиса. Ёшлигидан турли оилалар томонидан асраб олинган ва бир-бирларининг борлигидан мутлақо бехабар эгизаклар қарийб 40 йилдан кейин топишади. Ҳайратланарли томони шундаки, уларни асраб олган ота-оналари бир-биридан бехабар ҳолда уларга бир хилда - Жеймс деб от қўйишган. Эгизак-адашларнинг ҳар иккаласи ҳам юрист, иккаласи ҳам чизмачилик ва устачиликни яхши кўраркан.

Тақдирни қарангки, иккала Жеймс ҳам икки марта уйланган экан. Боз устига иккаласи ҳам аввал Линда исмли, сўнг Бетси исмли аёллар билан турмуш қуришган. Тағин эгиз Жеймслардан бирининг ўғли Жеймс Алан бўлса, иккинчисиники Жеймс Аллан эканига нима дейсиз?! Ҳар иккала оилада ҳам Той лақабли ит боқиларкан... Хуллас, ўхшашликлар шу қадар кўпки, бу эгизаклар 40 йил давомида бирга яшаб, атай бир хил ҳаёт кечиришга уринган тарзларида ҳам бу қадар бир хилликка эриша олишлари даргумон бўлур эди. Тўғри, кўпчилик "эгизаклар учун қандайдир ягона бир кўзга кўринмас куч мавжуд" деб ҳисоблашади. Бу масала ҳам мавҳум. Чунки масалан, биз юқорида тилга олган эгизакларда тасодифларнинг ирсий механизми кўринмайди. Иккинчидан, бу ерда эгизаклар ўртасида яна бошқа бир сирли алоқадорлик ҳам мавжуддек гўё. Хусусан, бир эгизакнинг қаеридир оғриса, иккинчиси ҳам, албатта, ўша жойида оғриқ сезади. Эгизак аёллардан бирини тўлғоқ тутганда, иккинчиси ҳам, гарчи ҳомиладор бўлмаса-да, дард чекади. Энг қизиғи, бундай умумий ҳиссиёт эгизаклар бир-биридан жуда узоқ масофада бўлганда ҳам рўй бераверади...

Айрим олимларнинг фикрича, эгизаклардаги бундай жиҳатлар улар ҳомила пайтидаёқ ўзаро биологик таъсирлар натижасида шаклланар экан. Она қорнидаги иккита боланинг бири миясидаги нозик энергия нурланишларини иккинчисига, иккинчиси эса, биринчисига ахборот тарзида узатар экан. Натижада улар бир хил ҳис қиладиган, бир хил сезадиган бўладилар. Ушбу тахминни тасдиқловчи мисоллар талайгина. Масалан, Кети ва Карен Шнайдер деган эгизак опа-сингиллар бир-бирларидан бехабар тарзда бир кунда, бир вақтда, бир хил рақамни танлаб, лотареядан катта ютуқ ютиб оладилар. Кети Карендан, Карен эса, Кетидан суюнчи олиш учун мамлакатнинг икки томонидан туриб, бир-бирига қўнғироқ қила бошлайди. Лекин, кейин билишса, суюнчига ҳар иккаласи ҳам қарздор экан.

Яна статистикага қайтамиз. Эгизакларнинг 100 фоизида кўзи ва терисининг ранги, сочи, қоши, бурни, лаблари бир хил бўлади; улардан 97 фоизининг ақлий салоҳият даражаси, 92 фоизининг эса, бармоқ излари бир-бириникига ўхшайди. Шунингдек, уларнинг ҳаёт тарзи, касб танлаши, қизиқишлари ҳам умумий хусусият касб этади.

Бу эса, ҳаётда айрим чалкашликларга ҳам сабаб бўларкан. Масалан, бир вақтнинг ўзида бир-биридан неча минг километр узоқликдаги иккита йирик банкда ўғирлик содир этилади. Ҳар иккала банкдаги сейфлар бир хил усулда бир хил пайтда бузилган, у ерда қолган бармоқ излари ҳам бир хил! Қийин, қийин, изтоп-ларга қийин!

Бунақа бўлиши мумкин эмас, ахир! Аммо полиция ўғриларни қўлга олгач, ҳайратда қолади. Уларнинг ҳар иккаласи иккинчисининг, яъни жуфтининг ҳаттоки мавжудлигидан бехабар бўлган эгизаклар экан.

Интернет материаллари асосида Сафар ОЛЛОЁР тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Шоюнус ГАЗИЕВ, Кўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1016. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6687.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰